



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
20 май
ЧОРШАНБА
№ 40
(12.155)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Пилла - 2009

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш, янги иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун қўшимча равишда қўлай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб:

тадбиркорлик объектларининг архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қиймати 2-иловага мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғullanуви юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақини – энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 баробаридан 2 баробари миқдоригача;

тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларда ҳисобсаватларини очиш учун тўловларни – энг кам иш ҳақи миқдорининг 1 баробаридан 0,5

билан келишилган ҳолда, бир ой муддатда, бино майдони ўлчамига, унинг неча қаватлилиги, ер участкаси майдони ва унда объектлар мавжудлигига қараб ишларнинг ҳар бир тури бўйича кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш хизматларига белгиланган тартибда қайд этилган тартибларни тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб:

тадбиркорлик объектларининг архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қиймати 2-иловага мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғullanуви юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақини – энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 баробаридан 2 баробари миқдоригача;

тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларда ҳисобсаватларини очиш учун тўловларни – энг кам иш ҳақи миқдорининг 1 баробаридан 0,5

баробари миқдоригача, қишлоқ жойларда эса – энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдоригача пасайтириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки, кичик корхона ўз уйларида ишлайётган (қасаначилик билан шуғullanуётган) фуқаролар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳодимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолади.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси мунтазам равишда:

жойларда давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши мониторинги олиб борилишини таъминласин. Мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни, аниқ тақлифлар билан биргаликда Кичик ва хусусий

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2009 йил 15 май.

тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгашига ҳар чорақда киритиб бориш;

жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этаётган қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас (ноқонуний) деб эътироф этиш тўғрисида, шунингдек, жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини чекловчи қарорлар қабул қилган мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига ишбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

И. КАРИМОВ.



МАЪНАВИЯТ ҚўРҒОНИ

Инсоннинг маънавий оламида ёруғ нур таратувчи улуг бир хилқат бор – бу Ватан меҳри! Ана шу меҳрни ардоқлаб, авайлаб, садоқат, эътиқод меҳварига айлантирувчи муқаддас маскан оилалар. Истиклол йилларида оила мустақамлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

1998 йилда қабул қилинган Оила кодекси, мамлакатимизда ҳар бир оила давлат ҳимоясида эканлигининг кафолатидир.

– Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида таъкидланганидек, – дейди Республика Оила илмий амалий марказий вилоят бўлими раҳбари Зулхумор Жўраева, – ҳаёт абдиқилиги ва авлод давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлиши оилани мустақамлаш бугунги кунда барчамизнинг, наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланиши керак. Ҳар йили май ойида вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида хотин-қизлар қўмиталари, Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими ва "Оила" жамоатчилик марказлари ҳамкорлигида "Халқаро оила кўни" муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилади. Оилалар барқарорлигини таъминлашда муҳим омили бўлган тиббий маданият, никоҳ шартномаси, никоҳдан аввал тиббий қўриқдан ўтish масалалари, оилалар ўртасида спорт мусобақаларини кенг тарғиб қилишга бағишланган семинар, давра суҳбатлари ва турли танловлар мунтазам ўтказиб боришмоқда. Уларда

иштирок этаётган республика Оила илмий-амалий маркази вакиллари оила мустақамлиги, унинг тақомиллаштирилган ҳуқуқий асослари, жамиятда тутган ўрни ҳақида сўзлаб, тушултириш ишларини олиб бормоқдалар. "Оила, Ватан – муқаддас", "Оилам – қўрғоним", "Соғлом оила – соғлом оила", "Энг ибратли оила" мавзуларидаги тадбирларда фаол қатнашаётган оилаларда барқарорлик ҳуқи суриши табиий, албатта. Жумладан, Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган "Оила – муқаддас даргоҳ" шиори остидаги катта байрам тадбирида 50 илдан ортиқ биргаликда ҳаёт кечирган 10 жуфт пири бадавлат кексалар, 62 жуфт ёш келин-куёвлар қатнашди. Шунингдек, Чирчиқ тиббиёт коллежиди "Соғлом она – соғлом бола" шиори остида спорт мусобақалари ўтказилиб, унда 9 та оила қатнашди. Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежиди ўтган "Қўша қариб, қадр топганлар" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда 88 нафар кекса отахон ойнахонлар, 10 нафар ёш оилалар иштирок этишди. Бундай тадбирлар Ангрен шаҳрида, Бекобод, Зангиота, Тошкент, Паркент, Қўрай туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Сайёра РИХСИЕВА.

Бу йил Бўка тумани пиллакорлари 3818 қўти ипақ қўриқни агротехника қондалари асосида парвартиш қилдилар. Ҳозир пилла топшириш қизғин пиллага кирди.

"Бўка бош пиллахонаси" масъулияти чекланган жамияти 612 та фермер хўжалиги билан жами 196,2 тонна "қумуш тола" қабул қилиб олиш юзасидан шартнома тузган. Қўлгина хўжаликлар шартнома режасини барвақт бажарди. Жумладан, "Нашонбой Омонбоев" фермер хўжалиги 8 қўти урунган шартномадаги 455 килограмм ўрнига қарийб 480 килограмм ҳосил топширди.

СУРАТА: (чапдан) лаборант Комила Исаева "Қамрон Нурмуҳаммад" фермер хўжалиги қўрт боқувчиси Гулчехра Бобоназарова ҳамда "Ўқтам Ҳаётхон" фермер хўжалиги пиллакори Саида Эргашева келтирган ҳосил сифатини текширувдан ўтказмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.

УЙЛАР ЎЗ ЭҒАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

Чирчиқ шаҳрида ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун мўлжалланган кўп хонадонли тураржой биносини фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Маросимда сўз олган соҳа вакиллари муҳофаа тизимида давом этаётган ислохотлар натижаси, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оилаларига яратилаётган шарт-шароитлар хусусида сўз юритишди. Шу кунги ҳарбий хизматчилардан 40 нафарига янги уй калитлари топширилди.

– Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг юксак жанговар салоҳиятини янада ошириш мақсадида ҳарбийлар оилаларининг турмуш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – деди Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти бошлигининг ўринбосари Шўратжон Абдуллаев. – Айниқса, ёш оилалар учун бундай замонавий, шинам шаҳарчаларнинг бунёд этилиши ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.

Шу кунги 20 та ёш оила 3 хонали ҳамда яна 20 оила 2 хонали шинам уйлارга қўйиб ўтди.

– Бугун оиламиз учун қувончли кун, – деди янги уй соҳибларидан бири Қаҳрамон Зоидов. – Оиламизга 3 хонали янги уйнинг калити берилди. Турмуш ўртоғим мактабда ўқитувчи. Икки фарзандимиз билим юртига қарашли боғчага боради. Бундай юксак эътиборга жавобан биз ҳарбий хизматчилар ҳам Ватанмиз ва халқимиз ишончини оқлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



Неча йиллардан буён Оҳангарон туманининг олис Қизилой қишлоғидаги "Ўрғози" маҳалласида яшовчи аҳоли табиий газ йўқлигидан қийналиб келаётган эди. Ниҳоят, уларнинг мушқули осон бўлди. "Промарматура" қўшама корхонаси ишчилари қисқа муддат ичида 6 километр узунликдаги газ қувурларини тортиб келишди.

ЎРҒОЗИ – ЯНГИ МАНЗИЛ

Натижада 170 та хонадонда зангори олов ёна бошлади.

– Авваллари газ йўқлиги учун овқатни ўчоқда пишириб, чойни кимсанда қайнатардик, – дейди Мингсулув Сулаймонова. – Айниқса, қиш келди дегунча, ташвишимиз ортарди. Қишлоқ тараққиёти

ва фаровонлиги йили маҳалламиз ахлига чинакам қувонч олиб келди.

Бу ишга бош-қош бўлганлардан жуда миннатдоримиз.

СУРАТАЛАРДА: маҳаллага газ келди; Мингсулув Сулаймонова ва унинг турмуш ўртоғи Абдураҳул Абдуллаев қўлайликдан мамнун.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

УММОН ОРТИДА БИР ОЙ

Оққўрғон туманидаги 6-умумтаълим мактаби директори Қўлмуҳаммад Ёралиев, бошланғич синф ўқитувчиси Дилфуза Абдиева ва 49-иқтисослашган мактаб директори Наргиза Ҳасанова Америка Қўшма Штатларида бир ой давомида тахриба ўрганиб қайтишди. Улар уммонорти мамлакатидидаги таълим муассасаларида дарс бериш жараёни, ўқувчи ва талабаларнинг илм олиш ва яшаш тарзи, эришаётган ютуқлари билан танишишди.

Туман қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежиди бўлиб ўтган маданий-маърифий тадбирда улар сафар таассуротлари билан ўртоқлашишди.

Феруза ТўРАЕВА.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН АРЗОН ВА СИФАТЛИ ЭНЕРГИЯ

Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўз самараларини бераётир. Айниқса, фермерларимиз юрт ободлигига муносиб ҳисса қўшаётир.

Ана шундай ишбилармонлардан бири – Тошкент вилоти Зангиота туманидаги "Милк агро" насличилик хўжалиги раҳбари Равшан Йўлдошев. Бир неча йиллик ишларидан сўнг хўжаликда замонавий технологияни сиёаб қўришга жазм этди.

Биозга технологияларини қўллаш орқали иссиқлик ва электр энергияси ҳосил қилинади, – дейди Р. Йўлдошев. – 2006 йилдан буён хўжалигимизда ана шундай қурилма ишлаб турибди. Қурилма чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнида бир кунда 200-250 куб метргача газ ҳосил қилиш қувватига эга. Агар газ миқдори белгиланганидан ошиб кетса, кундалиқ эҳтиёждан ортиқчиси ав-

(Давоми 3-бетда).

ҚўША ҚАРИБ, ҚАДР ТОПГАНЛАР

Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар қўмитаси "Маҳалла" жамғармаси, "Тадбиркор аёл" уюшмаси ҳамда фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими билан ҳамкорликда ўтказган тадбир ана шундай номланди.

Шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежига йиғилган уч авлод вакилларидан иборат ибратли жуфтликларга ташкилотчилар эсдалик совғаларини топширдилар.

– Мен обод ва озод юртда яшаб, унинг тараққиётига озгина бўлсада улуш қўшганимдан мамнуман, – дейди Ўзбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ қоришмалар корхонаси собиқ ишчиси, меҳнат фахрийси Асилхўжа Сайдазов. – Олмаҳон аянғиз билан турмуш қурганимизга олтимиз йил бўлди. Ўн фарзандни воёга етказиб, касб-хунарли, уйли-жойли қилдик. Бундай бахт келгуси авлодларимизга ҳам насиб этсин.

Мунаввара РАҲАБОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2009 ЙИЛ 15 МАЙДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида»ГИ ПҚ-1112-СОНЛИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларида-ноқ мамлакатимизда иқтисодиётнинг гоят муҳим соҳаси бўлиши кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоясининг кучли тизимини яратишга жуда катта эътибор бериб келинмоқда.

Бунинг боиси шуки, ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Энг аввало, кичик бизнес бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олишга, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари қандай ўзгаришига қараб иш тутатилишига қодирдир. Кичик бизнес рақобатчилик муҳитини шакллантиради, бусиз бозор иқтисодиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, кичик бизнес янги иш ўринлари жадаллик билан барпо этилиши, аҳолининг бандлиги ўсишини ва унинг даромадлари ошириб беришнинг таъминлайди. Учинчидан, кичик бизнес ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Республикамизда кичик бизнеснинг роли ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича анқравшан чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб боришмоқда. Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини «бир дарча» орқали тезлик билан давлат рўйхатидан ўтказиш тизими

ҳамда бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклидаги соддаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2008 йилда 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга пасайтирилди. Янгидан ташкил этилган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш бўйича иқтисодлаштирилган банк – «Микрокредитбанк» ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдирishга кредит беришнинг максимал муддати 12 ойдан 18 ойгача оширилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди, тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашувини кескин қисқартириш чоралари қўрилди.

Қабул қилинган қафолатлар, имтиёз ва преференциялар кичик бизнеснинг жадал ривожланишига имконият яратди, бунинг натижасида унинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 33,8 фоиздан ҳозирги вақтда 48,2 фоизга кўпайди. Бугунги кунда жами банд аҳолининг 76 фоиздан кўпроги мазкур соҳада меҳнат қилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина кичик бизнес соҳасида 372 мингдан кўпроқ

янги иш жойлари яратилди.

Жаҳон тажрибаси шундан далolat берадики, айти кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали восита, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ошириб беришнинг гоят муҳим омилли ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1112-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор муҳим қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилиши назарда тутилди.

Бу авваламбор, 2009 йил 1 июндан бошлаб уй-жой бинолари ва иншоотларнинг ўлчов ишларини ўтказиш, техник инвентарлаштириш, паспортлаштириш ҳамда баҳолаш бўйича кадастр ҳужжатларини ишлаб чиқиш, яшашга мўлжалланмаган бинолар ва иншоотлар кадастри учун бино (иншоот)ни ўрганиб чиқиш, баҳолаш ҳамда паспортини тузиш ишларининг тарифлари икки баробар пасайтирилишидир. Бундан ташқари, топография-геодезия ишлари комплексини амалга ошириш ва кадастр хизматлари томонидан кўрсатиладиган бошқа

турдаги хизматлар учун тарифлар 40 фоизга пасайтирилди.

Объект қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқишда архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш қиймати тадбиркорлик субъектлари учун икки баробар, яъни энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 10 баробари миқдоригача пасайтирилди, муҳандислик коммуникацияларига улаиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш тўловлари бутунлай бекор қилинди. Натижада, аввал тадбиркор архитектура-режалаштириш топшириқларини тайёрлашга жами энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорига ёки 1,1 млн.сўмдан кўпроқ тўлаш лозим бўлса, эндиликда, қабул қилинган мазкур қарорга мувофиқ, ушбу сумма 280400 сўмгача, қишлоқ жойларда эса 140200 сўмгача пасаяди.

Қабул қилинган қарорга мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ўтказиш қиймати энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 3 баробаригача ёки 3,3 баробарга пасайтирилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган бож миқдори пасайтирилди. Банкларда ҳисобрақамларини очиш тўловлари қаматтирилди, 28040 сўмдан 14020 сўмга, қишлоқ жойларда эса 2804 сўмга туширилди. Экологик экспертизани ўтказиш учун тўлов ҳақи анча сезиларли

қисқартирилди, у атроф-муҳитга зарар келтириш хавфхатари даражасига қараб табақалаштирилган тартибда белгиланади.

Касаначиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Мазкур муҳим масалани ҳал этишда кичик бизнес иштирокини кенгайтириш мақсадида, қабул қилинган қарорда кичик корхоналарга ўз уйларида ишлайётган касаначилар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳодимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқи берилмоқда. Айти вақтда кичик корхоналар учун назарда тутилган қафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар сақланиб қолмоқда.

Қарорда республика Бош прокуратураси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига жойлардаги давлат бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик, айтикча кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ рухсатномаларни олишда, ушбу масалаларни ҳал қилишда бюрократик тўсиқларни вужудга келтирмаслик ва сансалорликларга йўл қўймаслик устидан қаттиқ назоратни таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қарорида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шубҳасиз, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш ва юритиш, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг гоят муҳим, устувор вазибаларини ҳал этишдаги ролини ошириш учун яна ҳам кўпроқ қулай шарт-шароитларни яратиш беради.

«Қишлоқ қурилиш банк»:

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК МЕЗОНИ

Уч-тўрт ой шахардаги ўғилликда туриб, қишлоққа қайтган Самиг бобо бу ердаги ўзгаришларни янги қурилишларни қуриб, қўзғаришга ишонмади.

– Ҳозир тоза ичимлик суви келтириш учун қурувлар ётқизилляпти, – деди бекатда бобосини кутиб олган Баҳром. – Агар йўл уринтириб қўймаган бўлса, бизни гузар қурилишига олиб бормас, нима дейсиз? – Жон дейман-да, болам, – машина ойнасидан атрафни қўзатиб бораётган Самиг бобо сергакланди. – Дарвоқе, ўрозвой билан Холмурод чол ҳашарга ўзимиз боб бўлишимиз, дейишайтирди.

– Қишлоқнинг катта-кичиги шу ерда. Гузар атрафни ободонлаштириш, йўлакларни асфальтлаш, гулзорлар барпо этиш билан қурувчиларнинг меҳнатини енгиллатишайти. Усмон амаки эса шахсий маблагдан ҳаммомни таъмирлаттирарди.

– Балли, азаматлар! Шундай фидойилар ташаббуси билан юрт обод бўлади-да.

Самиг бобонинг фахрланганича бор. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилнинг мазмун-моҳиятига мос қурилишлар қўлами тобора кенгаймоқда. Айтикча, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банклари билан таъминлаш тўғрисидаги қарорлари қишлоқларнинг ҳар томонлама тараққиётига, айтикча, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, уй-жой қурилиши узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини таъминлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

– Қарорда таъкидланганидек, «Фаллабанк» акциядорлик тижорат банки негизда ташкил этилган мазкур банк ўз Устав капиталли 150 миллион сўм миқдорда шакллантириш, ушларини унинг акциядорлари орасида тақсимлаш мажбуриятига эга, – дейди «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки вилот бўлими бошқарувчиси Жунайдулла Набионов. – Банк томонидан қишлоқ жойларда жисмоний шахсларга намунавий лойиҳалар бўйича яқна тартибда уй-жой қуриш учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиз ставкаси билан энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача миқдорда 15 йил муддатга кредитлар берилиши кўзда тутилган. Янги лойиҳалар банк томонидан бозор шарт-шароитлари асосида жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа банк хизматлари кўрсатилади.

Замонавий қурилиш материаллари ва конструкция-

лари, йиғма, композицион ҳамда майда блокли конструкциялардан фойдаланган ҳолда ташкиланган намунавий лойиҳалар асосида қишлоқда янги объектлар қурилишнинг индустриал технологияларини жорий этилган барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга, жумладан, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзавтотўл» давлат акциядорлик компанияси ва уларнинг корхоналарига банк кредитлари ва хизматларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятлари берилган.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 31 мартдаги «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоралари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарориға мувофиқ янги банк балансиға филиал сифатида Янгийўл ҳамда Бўстонлик туманларининг собиқ «Санотқурилишбанк»лари бепул ўтказиб берилди. Охангорон тумани ва Бекобод шахрида фаолият юритиб келган банк шохобчалари билан филиаллар сони 4 тага етди.

Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 апрелда қабул қилинган «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори нафақат аҳоли, балки тадбиркорлар учун ҳам яратилган яна бир қулайлик бўлди. Чўнки, тадбиркорликнинг ривожини банк хизмати билан узвий боғлиқ. Ана шу боғлиқлик баркарор экан, бу аввало, пул маблағларини банк айланишиға йўналтириш, кредитлар бериш ва шу йўсинда олис қишлоқларни шахар қиёфаси даражасида юксалтириш имконини яратди.

Банк шунингдек, вилотда коммунал тўловларни тартибга солиш, яъни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишиға ҳам ўзини масъул ҳисоблайди. Яқинда шу мақсадда муассаса Зангиота, Тошкент ва Қиёрай туманларига биттадан «Дамас» автомашинаси ажратиб, уларни бевосита «Сув-оқава» корхонаси туман бўлимларига бириктириб берди.

Айти вақтда аҳолининг сув, иссиқлик, электр энергия ва бошқа коммунал хизматлар учун тўловларини йиғиш ва банкка топшириш вазифалари шу корхоналар кўмағида амалга оширилляётгани аҳамиятлидир. Банк мутасаддиларининг эътирофи этишчи, ички имкониятлар ҳисобидан келажакда бундай сайёр хизмат тури вилотимизнинг бошқа шахар ва туманларида ҳам йўлга қўйилади.

Мунаввара ИСОКУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

Транспорт хизмати

ЛИЗИНГГА «ISUZU»ЛАР

Сўнгги пайларда вилот аҳолисиға намунави тадбиркорлик хизмати кўрсатиш янада яхшиланиш мақсадида ҳукумат қарорлари ва вилот ҳокимининг фармойишлари билан «Тошвильтранстерминал» очик акциядорлик жамияти ташкил этилганидан сўнг вилотдаги кўпгина автокорхоналарни қайта обҳда турғазини имконияти пайдо бўлди.

Бундан бир неча йил аввал «Паркент автокорхонаси» ҳам ана шундай оғир иқтисодий жараёнларни бошдан кечирган.

Сабали, автотранспорт тизимига хусусий сектор кириб келгандан сўнг турдош корхоналар билан алтмосокдан қолган эски автотомобиллар воситасида рақобатлашиш мураккаб жараёнларни келтириб чиқара бошлади. Бу эса ўз навбатида корхонада молиявий аҳолининг оғирлашишиға, кадрлар қўнимсизлигининг авж олишиға олиб келди.

– Мана шундай шароитда «Тошвильтранстерминал» очик акциядорлик жамияти-

нинг қайта ташкил этилиши мавжуд автокорхоналар учун имкониятлар эшигини катта очди, – дейди корхона директори Аскар Бойбосинов. – Бунинг натижасида ўтган қисқа вақт ичида автокорхонамизға 23 та «ISUZU» русумли замонавий автобусни лизинг асосида харид қилиш имконияти пайдо бўлди. Шу билан бирга жамият ташаббуси билан йўналишимиз бўйича ҳаракатланадиган транспортларни автосаройда сақлаш, таъмирлаш, техник-тиббий хизмат кўрсатиш, аниқ график асосида ҳаракатлашиш йўналишлари белгиланганиди. Пироварди-

да ташкилотимиз билан хусусий сектор ўртасида аҳолиға намунави хизмат кўрсатиш бўйича ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик аънаналари қарор топди.

Айти пайтда ташкил этилган йўналишлар бўйича кунига 34 мингдан зиёд аҳолининг ўзоғи яқин қилинмоқда. Бунда, айтикча, ҳаракат хавфсизлиги муҳандиси Сайридин Эргашев, Шавкат Мухаммадалиев, Озод Норматов каби ҳайдовчиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Муҳими, бугунги кунда корхонамиз молиявий аҳолини ўнглай бошлади. Уни янада ривожлантиришнинг истиқболли режалари амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: ҳаракат хавфсизлиги муҳандиси Сайридин Эргашев ва ҳайдовчи Шавкат Мухаммадалиев.



"Ягонасан, муқаддас Ватан!"

қўрик-танловининг ҳудудий ҳамда вилот босқичларига марҳамат!

Ватан аждодларимизнинг муборак ҳоклари ётган табаррук замин. У бир умр севиб, ардоқлаб, қўзимизға тўтиб қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиз, бу – дунёда ҳеч нарсаға алмаштириб бўлмайдиган буюк ва беҳоз ҳазинамизидир.

Халқимиз, авваламбор унинг-ўсиб келаятган ёш авлод қалбида Ватанға муҳаббат ва садокат туйғуларини қамол топтириш, она юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадий етук қўлини қуриш яратишни рағбатлантириш ушбу танловнинг асосий мақсадиридир.

Қўрик-танловнинг биринчи босқичи шу йилнинг 25 апрелидан 1 июлигача Тошкент вилоти миқёсида ўтказилади. Бу босқичда туман-шаҳар

ва вилот мутасадди ташкилотлари тавсиялари бўйича профессионал ва хаваскорлик бадий жамоалари, ансамбллар ва яққохон ижрочилар, шунингдек, мактаблар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, харбий қисмларнинг жамоалари ҳамда қўрик-танловда иштирок этиш истиғида бўлган барча фуқаролар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қўрик-танлов қатнашчилари ҳужжатларини 30 июнға қадар жойларда тузилган комиссияларға тақдим этишлари мумкин.

Мурожаат ва қўшимча маълумотлар учун вилот маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 295-05-47, 295-29-15 телефон рақамларига қўнғирок қилишингиз мумкин.

МЕҲМОНЛАР «ЭЪЗОЗ»ДА

Тошкент туманида замонавий қиёфада қурилган тўйхоналар яна биттаға қўпайди. Қизғалдоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги тўйхона фойдаланишиға топширилди.

Бу янги иншоот тадбиркор Ҳасанбой Ҳайитонов ва унинг фарзандлари сай-ҳаракати билан бунёд этилди. «Эъзоз» деб номланган тўйхона 400 ўринға мўлжалланган. Бу ерда автомобиллар тўхташ жойи ҳам бор.

СУРАТДА: янги тўйхона ҳулуа қўриға қўриқ бўлиб қўшилаи. Даврон АХМАД олган сурат.



ҚУВВАТ БЕҲУДА ИСРОФ БЎЛМАСИН

Иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини янада қўқайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда электр энергияси ва энергетика ресурсларидан тежамли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Республика Президентининг Фармони билан тасдиқланган иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг баркарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш бўйича «Тошкент электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти муайян ишларни амалга оширмоқда.

Чўночи, 2009 йилда истеъмолчиларға етказиб берилаятган электр энергиясини тежаш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди ва «Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви томонидан тасдиқланди. Унга мувофиқ

ишчи гуруҳи тузилиб, ҳар бир тадбирни амалга ошириш учун масъул ҳодимлар бириктирилди. Электр энергиясини тежаш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан шу йилнинг 1-чоригада ёнлиғи моилаш маҳсулотларини тежаш, электр тармоқларини ўз кучи билан таъмирлаш, электр энергия сарфи ва алоқа харажати қисқартириш ҳамда муддати ўтган автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш эвазига 2 миллиард 171 миллион сўм маблағ тежалишиға эришилди.

Электр энергияси бўйича дебитор қарздорликни қамайтиришнинг асосий йўлларидан бири истеъмолчиларни замонавий электрон ҳисоблабчи бўйича ҳақ тўлашға тўлиқ ўтказишдир. Аҳолининг фойдаланган электр энергиясини ҳисоб-китоб қилиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида, Ангрен

шаҳрининг тўлиқ электр энергияси тармоғини автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизими – «АСКУЗ»ға ўтказиш бошлаб юрилди. «Ўзбекэнерго» ДАК билан ҳамкорликда монтаж ишлари олиб бориляпти.

Бу электр энергиясини тежаш, сотиш харажатларини қамайтириш ҳамда истеъмолни назорат қилиш бўйича тажриба Тошкент туманидаги нимстанцияларда автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизимида қўлланилмоқда. Бунда нимстанцияларда ўрнатилган электрон ҳисоблабчи орқали сарф қилинган электр энергияси кўрсаткичлари автомат йўсинда компьютерда назорат қилинмоқда. Ушбу тизимнинг афзаллиғи шундаки, унда ҳар бир нимстанциядаги қўнлик истеъмол текшириб турилади ва назорат қилиб борилади.

Ҳозирги кунда вилотнинг бошқа шахар ва туманларидаги нимстанцияларда ҳам ушбу тизимни жорий этиш бўйича мониторинг олиб боришмоқда.

Абдураул РАҲМОНОВ.

Шаҳбоз ИЗЗАТУЛЛАЕВ.

Бугуннинг гапи

МАҚСАД – ТЎЛИҚ КЎЧАТ ОЛИШ

Вилоятнинг энг йирик Бекобод тумани деҳқонлари бу йил 15679 гектар майдонда пахта етиштиришни режалаштиришган. Бироқ, кўкламнинг серёғин келиши чигитни мақбул муддатларда сифатли экиб олишга ҳалал берди. Бундан ташқари, туман шароитида деҳқончилик қилишнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам бор. Энг катта муаммо – бу сув танқислиги. Аммо пахтакорлар табиат инжиқлигига қарши кўп йиллик тажрибани ишга солиш, ҳар бир қўлай фурсатдан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилиб, асосий майдонларда чигитнинг текис униб чиқишига эришдилар.

Туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасининг бир гуруҳ мутахассислари билан суҳбатимиз кейинги кунларда юз берган табиий қийинчиликларни бартараф этиш ҳақида бўлди.

Толибжон БОЗОРҚУЛОВ,
бош ҳисоблот:

– 6509 гектар майдонда чигит униб чиқиб, парвариш бошланиб кетди. Бугунги кундаги асосий вазифамиз қатор ораларига чуқур ишлов бериб, ғўзанинг илдири кўсимига ҳаво етказиб бериш, тупроқни киздириш эканлигини фермерларимиз яхши билишади. Шу мақсадда ҳамма култиваторларимиз ишга олдиндан пухта тайёрланган. Ер шароитимизнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, қузда 14 минг гектар майдонга пушта олиб қўйган эдик. Бу табиий қийинчиликни енгиш билан боғлиқ ишларимизни бир мунча осонлаштирди. Уруғ чирган майдонларимизга тезда қайтадан экишни ва текис ундириб олиб, парваришни бошлаб юбориш чора-тадбирларини кўраямиз. Дастлабки экиш амалларида вақтдан омиқорлик билан фойдалана олган фермер ҳўжаликларида ғўза униб чиқиши билан култивациани бошлашди.

Акмал АҚРОМОВ,
уруғчилик бўйича мутахассис:

– Об-ҳавонинг бундай ноқулай келишини ҳисобга олганми. Пахта тозалаш заводида қўшимча уруғлик захираси яратилганлиги қўл келди. Қайта экиш учун етарли уруғлик чигитимиз бор. Ҳозир барча майдонлардаги чигитнинг ҳолати қайта кўздан кечирилмоқда.

Абдуҳаким ҲИНОБОВ,
бош муҳандис:

– Деҳқончиликда йилдан йилнинг фарқи бўлади. Хар бир мавсум ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради. Бу йилги ортиқча намлиқни ҳисобга олиб, ғўза қатор ораларига қўшимча ишлов бериш чорасини кўраямиз. Бунда кўп йиллик тажрибага эга бўлган уста пахтакорлар ва мутахассислар билан маслаҳатлашиб, қатор ораларини чуқур юмшатиш ва ортиқча намлиқни қочириб мақсадда қўшимча мосламалардан фойдаланамиз. Култиваторларга учли қўшимча мослама (лапка) ўрнатиб, қатор оралари 30-35 сантиметр чуқуриликда юмшатилапти.

Пахта етиштирувчи 420 та фермер ҳўжалиги раҳбар ва мутахассислари бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўзаро маслаҳатлашиб, омиқорлик билан иш юритмоқда.

Темур ХАЙДАРОВ.



КУЛЬТИВАЦИЯ ТУГАДИ, ЯГНАЛАШ БОШЛАНДИ

Табир жон бўлса, бу йилги кўкламнинг кутилган-кутилмаган "ўйин"лари фермерларнинг нимага қодир эканлигини яққол кўрсатиб берадиган ҳақиқий синон вазифасини ўтади. Қунда-қунора кўчли-қучсиз ёғингарчилик бўлиб турган шароитда мўлжал ва режани тўғри олиш, чигит экиш учун энг қўлай ва мақбул пайтни топишда янгилашмаслик учун малака, маҳорат ва тажриба керак, албатта.

Ўртачирчилик фермер Дониёр Нишонов бунинг уддасидан чиқди. Бу техника юши кўчларини шай қилиб қўйиб, пайт пойлади. Ёғингарчилик орасидаги уч-тўрт кўчлик қўлай муддатда чигитни тез ва сифатли экиб олди.

– Мўлжални тўғри олган эканми, – дейди фермер сағиз тизилган аскарлардек буй кўрсатиб турган ғўза ниқолларидан қизи қувнади. – Эрта ҳам эмас, кеч ҳам эмас, айни вақтида эканчиси мунча чигит текис ва тўлиқ униб чиқди, қайта экишга ҳожат бўлмади. Энди парваришга зўр бери, касалик ва зараркундорлардан асраб олсан бас, шартнома режаларини ортиги билан баҳамиз.

Мана, бир неча кундирки, Дониёр Нишонов бошлиқ "З. Ҳақима" фермер ҳўжалиги аъзолари барча имкониятларни ғўза парваришига сафарбар этишган. Ҳўжаликнинг техникаси

ўзига етарли. ТТЗ-80 ва "Беларус" чопик тракторлари 67,6 гектар майдондаги ғўзанинг биринчи ишловини қисқа муддатда тугатиш имконини берди. Бугун-эрта ниқолларни яғналаш ҳам бошлаб юборилди.

Кейинги уч-тўрт йилдан бери ғўза касалликлари ва зараркундорларига қарши кимёвий заҳарли дориларни ишлатишдан бутунлай воз кечди, – дейди Дониёр Нишонов. – Биосул фермер учун айни муддао экан. Ҳам сарф-харажатдан юталиди, ҳам одамларимизнинг соғлигига зарар етказувчи ҳавф ўз-ўзидан барҳам топади, экин майдонларида экологик вазият меъёрида бўлади.

Тўғри гап. Кўпчилик биосулнинг маъқул кўраётгани бажиз эмас. Қишлоқ туманларида биологатория ва биофабрикалар қўлайлиқ билан биологаториянинг тасвияларига мувофиқ асосан олтинкуз, габробр-

кон ва трехограмма энтомофагларидан фойдаланилапти.

– Кейинги йиллардаги кузатишларимизга қараганда, бу энтомофаглар дала шароитида ҳам яшаб қолиб, қўлайлиқ, зараркундорларнинг қушандаси сифатидаги вазифасини давом эттирадиганга ўхшайди, – дейди ҳўжаликнинг иш юритувчиси Отабек Маткаримов. – Зовурларда табиий йўсинда ўсадиган қамшилар ўз-ўзидан қамшиб борапти. Фикримизча, энтомофаглар зараркундорларнинг туҳумини қуритишдан ташқари қамшиларнинг уруғини ҳам еб битирар экан.

Иш юритувчининг мулоҳазаси ўринли бўлиши мумкин. Хар ҳолда, биосулдан оқилона фойдаланаётган фермер ҳўжаликлари хар йили мўл ва сифатли ҳосил етиштираётгани бор гап.

СУРАТДА: (ўнгдан) фермер Дониёр Нишонов, иш юритувчи Отабек Маткаримов ва туман фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси Ҳақима Зиёвуддинова биринчи ишлов берилган ғўза ниқолларининг ҳолатини кўздан кечиришмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МАҲАЛЛИЙ ҲОМ АШЁДАН АРЗОН ВА СИФАТЛИ ЭНЕРГИЯ

Фермер ҳўжалигидаги 600 бош қорамол чикиндилари хар куну махсус ҳовузда тўпланиб, реакторларга етказиб берилмоқда. Бир ҳафта, ўн кун 38-40 даражали хароратда турган гўнг таркибидagi бакте-

риялар ва хар хил ўтларнинг уруғи қуяди. Натижада ерга солишга тайёр бўлган экологик тоза ўғитнинг қуввати бир неча баробарга ошади. Шу боис, биосулдан фойдаланиш даладаги ёввойи ўтларни йўқ қилишга кетадиган вақтни тежайди. Чўки бундай ўғитлардан фойдаланилган майдонларда бегона ўтлар ўсмайди, экинлар ҳосилдорлиги эса 30 фоизгача ошади. Ҳўжаликнинг 260 гектар озуқа майдонида ундан кенг фойдаланилмоқда. Натижада бошқа турдаги кимёвий минерал ўғитлар учун маблағ сарфлашга ҳожат қолмапти. Му-

тахассислар ҳўжалик ер майдонларининг таркибини текшириб, унмдорлигини юқори баҳолади.

Биогазнинг яна бир фойдали жиҳати экологик вазиятни яхшилашдир. Ундан фойдаланиш иншоотларнинг ифлосланиши ва қурум боқилиш-ни қамайтириб, чивин ва бошқа зарарли ҳашаротлар, ҳаводаги ёқимсиз ҳидларни йўқатади. Чикиндилардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали сув ҳавзаларини ифлослантирувчи моддалар ташланиши қамаяди. Ҳозир ҳўжаликда ишловчи ва ферма атрофида яшаётган ўнга яқин хонадон эгалари ўйини иситиш ва овқат тайёрлашда биогаздан фойдаланимоқда.

"Милк агро" наслчилик ҳўжалигида энергия тежаллиб, иш тўғри йўлга қўйилгани туфайли даромад йилдан-йилга ортмоқда. Утган йили 71 мил-

лион сўм соф фойда олинди. Қўрилган даромад эвазига ферма замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда. Бу ерда чорва молларга ем беришдан тортиб, уларни соғишга бўлган барча жараён техника ёрдамида амалга оширилади. Замонавий соғин зали Германияда ишлаб чиқарилган юқори унумли ускуналар билан жиҳозланган. Ҳўжаликда ўттиздан ортиқ техника мавжуд.

Утган йили ҳўжаликда 485 тонна сут ва қариб 54 тонна гўшт тайёрланди. Бундан ташқари, бошқа фермерларга 20 бошдан зиёд зотдор буюқ етказиб берилди. Фермадаги мавжуд қорамоллар наслини янада яхшилаш мақсадида Германиядан 33 бош юқори махсусдор қорамол олиб келинди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.


ЭПИЗООТИК ҲОЛАТ БАРҚАРОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига қўра, H1N1 гриппи қайт этилган мамлакатларда эпидемиологик вазият бирмунча барқарорлашмоқда. Шунга қарамай, Ўзбекистонда ушбу юқумли касаллиқнинг республикамиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича барча зарур чоралар амалга оширилмоқда. Бу ишда республика ветеринария хизмати ҳам феоли иштирок этмоқда.

– Мамлакатимизда одамлар орасида ҳам, ҳайвонларда ҳам ушбу касаллик билан хасталаниш ҳолати қайт этилгани йўқ, – дейди Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария бош бошқармаси ветеринария назорати бўлими бошлиғи Абдураҳул Болтаев. – Бироқ, H1N1 гриппининг қўзғатувчиси – мутацияга учраган вирус бўлиб, ҳозирча унга қарши иммунитет мавжуд эмас. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси ветеринария хизмати бу борадаги кенг қўламли профилактик чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Республикамиз ҳудудига турли хил юқумли касалликларнинг кириб келишини олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар давлат Бош ветеринария инспекторлари томонидан қўшоналарда, деҳқон бозорлари, аэропортлар, темир йўл ва автомобиль вокзаллари ҳамда бекатларида эпизоотик касалликларга қарши назорат қўйилди. Бунда аҳоли ўртасида, шу жумладан, чорва моллари бовқувчилар ўртасида олиб борилаётган тушутириш ишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Давлат ветеринария хизмати бу ишларни амалга ошириш учун барча зарур ресурслар ва ускуналарга эга. Унинг таркибига вилоят бўлиналарида ташқари, 150 та ветеринария



лабораторияси, 204 та туман ва шаҳар ветеринария бўлими, шунингдек, бозорлардаги 270 та ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари кирилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тирик жониворларни, қўшлар, чорвачилик махсусотларининг олиб кирилиши чегара ва транспорт ветеринария назорати пунктлари ҳамда 60 та вилоятлараро қўриқлаш-карантин ветеринария пунктлари томонидан қатъий назорат қилинмоқда.

Мамлакатимиз ветеринария хизмати барча бўлиналари томонидан амалга оширилаётган бундай ишлар қарамаси ўлароқ, ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида нафақат H1N1 гриппи, балки бошқа юқумли касалликлар бўйича ҳам барқарор эпизоотик ҳолат сақланиб турибди.

ЎЗА мухбири.
А. ИВАНОВА ёзиб олди.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР МАКТАБИ

Чирчиқдаги 15-музыка ва санъат мактабида қўлбал ёш истеъдодлар етишиб чиқмоқда. Ҳозир бу ерда беш йўналишда ўқув машғулотлари олиб бориладиган.

Шунингдек, хореография, эстрада ва тасвирий санъат йўналишларининг ташкил этилиши муассаса ижодий фаолиятини янада кенг йўлга қўйиш имконини берди. Бунинг учун қўшимча чолғу-асбоблари харид қилинди. Тасвирий санъат бўйича машғулотлар олиб бориладиган хоналар акратилди.

Али АҚБАРОВ.

Оҳангарон шаҳар санъат касб-ҳунар коллежиде ЎзДеп "Ёшлар қаноти" гуруҳи ҳамда жамоатчилик Кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

ТАКЛИФДАН АМАЛИЁТГА

Унда партия кенгаши ижроия қўмитаси, вилоят партия ташкилоти маъсул ҳодимлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари катнашди.

Йиғилишда "Ёшлар қаноти"нинг II Республика ҳисобот конференцияси якунлари ва конференция қарорларининг ижроси, вилоят "Ёшлар қаноти"нинг I-чорак фаолияти ҳамда бир қатор масалалар қўриб чиқилди.

Кун тартибидеги масалалар қаторидан ўрин олган "Ёш фермерлар" жамоатчилик кенгашини шакллантириш ҳамда вилоят ёшларининг "Фахрий китоби"ни тузиш ташаббуси иштирокчиларда кизиклиш уйғотди.

Ҳазиза СОДИҚОВА.

ЭЗГУ АМАЛЛАР БОШИДА

Ангреннинг тоғли Лашке-рак кишлоғи кент қўламли ободончилик ва бунёдкорлик ишларидан сўнг янги-ча қиёфа касб этди. Утган йили бу ерда 38-умумтаълим мактабининг эски биноси реконструкция қилинди. "Кишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида аҳолининг шахсий томорқалари ва боғлари тошқол майдонлар ҳисоби-га кенгайтирилди.

– Бу йилги баҳор серёғин келганидан фойдаланиб, – дейди кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Худойназар Матғозиев, – боғ ва дала-ларда, қўча ва йўл ёқаларига турли дарахт ва гул қўчатлари экилди. Аҳолининг асосий қисми боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланишни ҳисобга олиб, келажакда мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган цехлар очиш, уларни замонавий технологиялар билан таъминлаш ниятида-миз. Дала шароитида асарчилик-ликни ривожлантириш, тадбиркор-лик ҳамда касаначиликни кенг йўлга қўйиш ҳақида фаоллар билан келишиб олинди.

Мунаввара РАҲАББОВА қизи.

Қишлоқда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилапти. Зеро, қишлоқларни обод ва фаровон қилиш, аҳолини иш билан таъминлашда уларнинг ўрни нақадар муҳим эканлигини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Шу мақсадда, вилоят ҳокимлиги ҳамда тегишли идоралар томонидан ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, улар зиммасига бу борада аниқ вазифалар юклатилган эди.

Ҳўш, бугун жойларда бу масалалар билан боғлиқ аҳвол қандай? Ишчи гуруҳлар ўз вазифасини қай даражада ундаётган? Бу Қиррай ва Бўстонлик туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳри мисолида бунга жавоб излашга ҳаракат қилдик.

Шу мақсадда Давлат мулк қўмитасининг вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Саъдуллахон Набиҳонов – яъни номлари тилга олинган ҳудудларга бириктирилган ишчи гуруҳ раҳбари билан учрашмиш ниятида даставвал телефон орқали боғландик. Негадир у киши бизда кўнжроғимиздан тааж-жублангандек таассурот қолдирди. Сўнг маъсул ишчи гуруҳ раҳбари эканлиги эсига тушиб, ишчилари, уларнинг рўзлик билдирди. Айтилган муддатда идорага етиб келдик. Раҳбар вазифасини бажарувчи банд экан. Бироз фурсат ўтгач, бизни қабул қилди. Аммо, суҳбатимиз узукча қўзилмади, шовилчин йиғилиш чикиб қолганини баҳона қилиб, керакли маълумотларни бўлим бошлиғи Жўрабой Усмоновдан олишимиз мумкинлигини айтиб, чиқиб кетди. Бу ҳолат бизни бироз шовириб қўйди. Аслида Саъдуллахон Набиҳонов билан гуруҳ фаолияти ҳақида гаплашиш ниятида келгандик. Ишчи гуруҳ фаолияти газе-

Раҳбар масъулияти

ги ишларнинг натижаси билан ўзини танитишга қарор қилдик. Маълумотларга қўра, Чирчиқ шаҳрида 4 ой давомида 1835 та, жумладан, ишлаб чиқариш объек-ларини ишга тушириш ҳисобида 66 та, янги очилган кичик корхона ва микрофирмалар ҳисобида 480 та, касаначилик ҳисобида 167 та, мил-

ЛОҚАЙДЛИК

та саҳифаларида ёритиб борилиши хар томонлама фойдали эканини яхши билган раҳбарнинг эътибор-сизлигини қўриб, ҳайрон қолдик. Ҳулас, керакли маълумотларни Жўрабой Усмоновдан олишдан бошқа чорамиз қолмади.

Бунга қараганки, Қиррай, Бўстон-лик туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳ-рида кичик бизнес, хизмат кўрса-тиш ва сервис соҳаси, касаначи-лик, ишлаб чиқариш ҳамда ижти-моий инфратузилмани ривожланти-риш ва шу асосда аҳоли бандлиги-ни таъминлаш билан боғлиқ оддий маълумотлар ҳам йўқ эканлиги бизни янада ажаблантирди. Қалин жилди вақарлаб ҳам керакли маълумотларни топиладик. Ишга бўлган маъсулият шу бўлса, улар-дан яна нима ҳам кутиш мумкин, деб изимизга қайтдик.

Дарвоқе, Жўрабой Усмонов маълумотларни факс орқали жўнатиш-га ваъда берди. Ҳулас, жойларда-

лий ҳунармандчиликни ривожлан-тириш эвазига 12 та, кичик бизнес корхоналари фаолиятини қайта тик-лаш йўли билан 99 та, бозор ин-фратузилмани ривожлантириш ҳисобида 107 та янги иш ўринлари яратилган.

Жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича жами 564 киши иш билан таъминланган. Шу йилнинг бирин-чи чорагида факат битта трикотаж махсусотлари ишлаб чиқарувчи "Сера фуд" маъсулияти чекланган жамияти ишга туширилган. Вақолан-ки, Чирчиқ санъат шаҳри, демак, бундан ҳам кўпроқ имкониятга эга. Айниқса, касаначиликни ривожлан-тириш учун қўлай шарт-шароитлар мавжуд. Бинобарин, бугунги кунда шаҳарда 1149 корхона фаолият кўрсатапти.

– Қиррай туманида ҳам бу бора-да кенг қўламли иш олиб борила-тир, – дейди туман бандликка қўмақ-

БОЛАЖОНЛАРГА МЕХР УЛАШИШ

Бекобод туманидаги "Қалдирғоч" номли 10-мактабгача таълим муассасида тарбиявий ишлар юқори савияда олиб борилапти. Янги педа-гогик технология асосида бошча тарбиячи-лари болажонларнинг мустақил фикрлаш қобили-ятини, дунёқарашини, нутқини ўстиришга алоҳида эътибор беришмоқда.

Бошчага бир неча йил-лардан буён мохир педа-гог Мақсуда Қорабоева раҳбарлик қилмоқда. Гулнора Эркабоева, Ни-луфар Сулаймонова, Но-дира Эгамбердиева син-гари болажон тарбиячилар-нинг меҳнати ҳам таҳсин-га сазовор.

Бошча тарбиячилари ма-ҳалла, ота-оналар билан доимо ҳамкорликда иш олиб боришади. Бу бора-

бий, маънавий-маърифий ишлар ҳам самарали олиб бориладиган. Рақс, рус тили тўғараклари мунтазам ишлаб турибди. "Соғлом-жон-полвонжон" тадбири, гуруҳлараро семинарлар-нинг ташкил этилаётган-лиги ҳам тарбия қамрови кенглигидан далолатдир. Ўртабонимизнинг "Юк-сак маънавий – энгилмас куч" асарини ўрганиш бўйича буклетлар тайёр-ланган. Хар бир гуруҳда-ди хилма-хил ўйингоҳлар-да, ранг-баранг кўргазма-ли воситаларда болажон-ларни Ватанини севишга, юртга садоқатли фарзанд бўлишга ундовчи туйғулар муҳассас.

Ашуралӣ БОЙМУРОВО.



КУЧЛИЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лигасининг ўнинчи тур учрашувлари Осиё миқёсидаги мусобақаларда қатнашадиган "Бунёдкор", "Пахтакор" (Тошкент) ва "Нефтчи" (Фарғона) футболчилари учун олинган муҳим ҳалқаро ўйинларга тайёргарлик вазифасини ўтади.

Осиё чемпионлар лигасида нимчорак финалга чиқиш имкониятини сақлаб турган "Бунёдкор" миллий чемпионатимизда "Андижон" жамоаси меҳмони бўлиб, мезбонларнинг жиддий қаршиликка дуч келди. Ўйиннинг олтинчи дақиқасида андижонликлар ҳужумчиси Шухрат Мирхолдиришов кучли зарба билан чемпион жамоа дарвозасини ишғол қилди. Лекин мезбонларнинг ҳурсандчилиги узоққа чўзилмади. Олтинчи олинчи дақиқада Ривалдо

катнашадиган "Нефтчи" жамоаси ҳимоя чизигини қучайтириши лозимлигини кўрсатди. Чунки, 20 май кунги Яманда "Ал-Тилол"га қарши ҳал қилувчи учрашувни ўтказадиган фарғоналиклар "Пахтакор"дан йирик ҳисобда мағлубиятга учради.


Тошкентдаги ўйиннинг ўн бешинчи дақиқасида "Пахтакор"нинг сербиялик легионери Боян Младинович ҳисобни очди. Беллашувнинг иккинчи ярмида мезбонларнинг кўп сонли ҳужумларидан яна иккита савияда ўтказадиган Зайниддин Тожиев меҳмонлар дарвозасига бир жуфт гол киритиб, "Пахтакор"нинг

3:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Ўйинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Локомотив" (Тошкент) – "Олмалик" (Олмалик) 2:1, "Бухоро" (Бухоро) – "Машъал" (Муборак) 1:1, "Насаф" (Қарши) – "Кизилқум" (Зарафшон) 2:0, "Навбахор" (Наманган) – "Динамо" (Самарқанд) 1:0, "Шўртан" (Фузур) – "Хоразм" (Урганч) 1:0.

Мусобақа жадвалида ўттиз очко билан "Бунёдкор" пешқадамлик қилмоқда. Чемпиондан тўрт очко кам жамғарган "Пахтакор" ва йигирма очко тўллаган "Насаф" кучли ўқликда бормоқда.

Зоҳир ТОШХУЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.



Мулоҳаза

узоқ вилоятлардан келиб, спектакллarga тушолмай юрганларнинг ҳам гувоҳи бўлганми-ку? Ўзбекистон халқ артистлари Махмуджон Фафуров, Эътибор Жалилов, Шаҳодат Раҳимова, Суръат Пулатов каби актёрларимизнинг чиқишларини орадики кутувчилар кўпчилиги, бошқа театр актёрлари ҳам тез-тез келиб, улар иштирокидаги спектакл-

тажрибасига эга актёр-режиссёр сифатида тўлиқ ишонч билан айта олам. Шу театрда ишлаш жараёнида амин бўлдимки, аввало театри, айна мусикали театр фаолиятини, олинди мусика мактаби таърибасини унутмаган ҳолда қайтадан ташкил этиш керак. Йиллар давомида йилган иш таърибаси шуни кўрсатадики, мусикали

ўқитувчилар билан суҳбатлашиб, ҳўяли жавоб ахтирам. Фикримча, мусикали театр актёрларининг овозлари эҳтиёт қилиниши, бунинг учун маълум иш шартлари яратилиши, кўпчилик актёрларнинг қайфияти ҳам алоҳида эътиборда бўлиши керак. Ахир, институтда ҳам бўлгуси мусикали театр актёрлари бошқаларга қараганда кўп-

спектаклга тайёргарлик кўриши, 5-10 та ария ва дуэтларни ёд олиши, драматик жараёнларни меъёрига етказиб ижро этиши машқ қилиши лозим.

Бундай иш кунда актёр овозига дам бера оладими? Қачон уни сайқаллашга улгуради? Балки, сал ошириб юборгандирман. Лекин, тўлақонли, профессионал мусикали актёрлар шаклланиши, театр илгари ҳолатини тиклаши учун жонқуярлик қилиш ҳар бир соҳа мутахассисининг вижодини иши бўлса, дейман.

Муқимий номдаги мусикали драма театри бошқа вилоят театрлари қаторида баҳоланмоқда. Ахир, пойтахтимизда кўр тўкиб турган отахон театримиз марказий мусикали театр сифатида ҳам аҳамиятли эмасми? Шу ўринда театрга бошчилик қилаётган айрим раҳбарларнинг соҳадан анча йироқ эканлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмаптимкан, деб ўйлаб қолам. Бу борада театр анчагина синовларни бошидан кечириб келаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Юқоридagi фикрларимиз театрга мутасадди бўлган раҳбарларимизга бир илтимос тарида қабул қилинса, шояд муродимиз ҳосил бўлса...

Театр бу – тирик вужуд, у ҳам яшайди, ўсади, гуллайди, гуркирайди, келажакда ширин мевадор беради. Биз, актёрлар ҳам сафар саҳнага шундай умидлар билан чиқамиз...

Боир ХОЛМИРЗАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Ҳаёт сабоқлари

СУЯНЧИҒИ ЙЎҚ ОДАМ

Идорага мункиллаган отахон кириб келди. Отанинг кўлтигидан олиб, хо-нага етаклаб кирган йигит бўлим бошлиғига:

– Сизда ишлари бор экан, – деди-да, тегзина чиқиб кетди.

Ҳассасини деворга суяб қўйиб, ўриндикка зўрға чўккан қария:

– Менга ариза ёзиб берадиган киши керак, – деди қоксуяк қўлини кўтариб. Қариянинг ҳурматида ўрнидан турган бўлим бошлиғи яна ўриндикка чўқар экан, қўзойнағини тақди-да, сўради:

– Нима муаммонингиз бор, отахон?

– Э, умрим меҳнатда ўтган болам, ҳисобчи бўлганман, омондорда ишлаганман.

Бошлиқ чолнинг арзидини диққат билан тинглади. Кейин тоқати тоқ бўлиб шекли, гапни чўрт кесди:

– Хўш, нимадан норозисиз ўзи?

Чолнинг узук-юлук гапларидан маълум бўлди-ки, пенсияси камлигидан юқори ташкилотларга арз қилмоқчи. Бошлиқ майли, савоб бўлар деган мақсадда қарларгадир сим қоқиб, кимлар биландир анча гаплашди. Сўнг отага керакли кишилар билан гаплашганини, улар ердан беришлари мум-

кинлигини айтиб, хайрлашар экан, фарзандлари бор-йўқлиги билан қизиқди. Чол ҳафсаласи пир ҳолатда қўл сўлтади:

– Э, болалар ўз йўлига. Бошлиқ "ҳаммаси тушунарли" дегандек бошини сарак-сарак қилди. Демак, болалар бекоибат, бемехр. Фарзандлар ардоғида бўлса, йўлини зўрға топиб юрадиган қария идорада идора пенсияси камлигидан шикоят қилиб, сарсон кезармиди!

Дарҳақиқат, Нодиркул чолнинг бу юриши ўз вақтида оиласига, фарзандларига берилмаган меҳрининг олинмаган жавоби эди. Таваба, дунёнинг мукамал ҳисоб-китобини қаранг-а! Бўлмаса, уни тақдир фарзандлардан қисмаган: бир қизи, икки ўғли бор. Аммо ота меҳрини кўрмаган ўғил-қизлар ҳам бемехр бўлиб воға етдилар.

У кезларда Нодиркулнинг ишлари юришган, ҳар кунни зийфат эди. Бундай базму шамшадлар тун яригача давом этди, тансиқ таомлар, арок сувдай кетарди.

Бошқа омондорлар каби топганини оиласига ташиш ўрнига, борини зийфатга, қулнинг ўргисини ўтиришларга сарфлайдиган Нодиркул уйига ярим кечада қайтар, баъзан келмай ҳам қолар-

ди. Шу сабаб рўзгорда нима бор, нима йўқлигини билмас, фарзандларининг оч-тўқлиги билан иши бўлмасди.

Баъзи-баъзида хотинининг юрак ютиб, жаврашларидан кейингина уйига улбул ташлаб кўр, бошқа пайлар рўзгор ташиши ўқитувчи бўлиб ишлайдиган аёли Рисулнинг зиммасида эди.

Шу зайдла умр ҳам ўтиб кетибди. Тўшум мўмай бўлган учун омондор мудири-нинг ойлиги камлигига парво қилмаган экан. Пенсияга чиқиб, арзигаган нафақа тайинлангандан кейингина афсус чекиб қолди. Аммо, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмасди.

Бу орада қизи аллақачон турмушга чиқиб кетган, қийналиб воғага етган ўғиллари ҳам мустанкил ҳаёт йўлини тутган эди.

Турмушдан эзилдики, ё тақдир ҳукмими, ишқилиб Рисул ҳам ҳаётдан барвақт кўз юмиб кетди. Мана энди қаттагина ҳовли-жой, эскириб, томондан қақа ўтадиган уйда ёлғиз яшайди. Ҳаляям унда-мунда хабар олиб турадиган қўшнлар бор, чолни гоҳ овқатга қақришди, гоҳ ярим коса тоам чиқариб юберишди. Иссиқсиз қолиб кетган қуллари ҳам кўп бўлади. Шунда у ўтган тийқисиз

Жой номлари тарихини биласизми?

ШАКЛАН
ЎХШАШ-У,
МАЪНОСИ БОШҚА

Неварларимга тез-тез қишлоғимиз тарихи ҳақида гапириб бераман. Чунки бу тарихни менга сўзлаб берган отахонлар аллақачон дунёдан ўтиб кетишган. Бир кун келиб, неварларим ҳам бу ҳақда бола-чақаларига сўзлаб беришар, деган фикрдаман.

Ўтмишда биз яшаётган Зангиотта туманидаги Қатортол қишлоғи ҳудуди анча катта бўлган. Бугунги кунга келиб, унинг яримидан кўпи шаҳарга ўтиб кетган. Ўша ярим бўлаги ҳақида кўп маълумотлар бор. Лекин биз яшаётган ҳудуд тарихини ҳамма ҳам билавермайди.

Ўтган асрнинг қирқинчи, эллитинчи йилларида мўйсифидлар шундай ҳикоя қилишарди. Биз яшаб турган маскан бир пайлар қарқор еру жарликлардан иборат бўлиб, иккита сой оқиб ўтаркан. Бу ерларни "чумчак" дейишаркан. Сабаби: бу ерларда ёввойий ўтлар кўп бўлиб, унинг уруғлари чумчуқлар учун яхши озуқа бўлганлиги боис, кўпбал қанотли жонзотлар бу ерни ўзларига макон қилиб олишган экан.

Бу ерлардан одамлар кечаси у ёқда турсин, кундузи ҳам ёлғиз ўтишга чўчишаркан, чунки туновчилар кўп бўлган экан-да. Кейинчалик бу ерга қозоқ миллатига мансуб аҳоли кўчиб келиб, жойлашибди. Негаки, уларнинг мол-ҳол, қўй боқишлари учун шароит яхши бўлган.

Сўнгра бирин-кетин шаҳарлик оилалар кўчиб келишган, ариқ қазишиб, сув келтиришган. Қўй боқиб, бутунлай бошқа маъно беради. Ўшбу сўз тузиллиб "Далигузар" дейилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Амр ХАРАСОВ, факрий ўқитувчи.

Бекажон

БАҚЛАЖОН
САЛАТИ

Масалликлар: 2-3 дона бақлажон, 2 дона қизил сабзи, 100 гр қийма, 1 дона пиёз, 2 дона тухум, 100 гр. ун, 150 гр. ёғ, 1 дона помидор, қўқатлар, саримсоқ, таъба кўра туз ва зираворлар.

Тайёрлаш усули: қизил сабзи, пиёз қирғандаг ўтказилиб, қийма билан бирга яхшилаб қовурилган ва озгина сув солиб, 5-10 дақиқа димлаб қўйлади. Тайёр бўлган, совутилади. Унгача олинган артиб қўйилган бақлажон паррак қилиб кесилиб, ёқда қовуриб олинади ва у ҳам бир оз совутилади. Тухумларни қосага қақиб, яхшилаб йиллаб, озгина туз ва ун солинади. Олинган майдалан туралган саримсоқ ва қўқатларни солиб, ийлаш давом этирилади. Бир хил масса ҳосил бўлган, улардан қўймоқ пиширилади ва совутилади. Сўнгра қўймоқларга совутилган бақлажон, қийма, паррак қилиб кесилган помидор солиб, битта-битта ўралади. Ҳосил бўлган рулетлар товага терилиб, газ печига қўйлади. 5-10 дақиқадан сўнг олиб, ликопчаларга солинади ва дастурхонга тортилади.

Тошкент кимё технологиялари институти қошидаги лицей томонидан 1998 йилда Қаримджонов Джахонгир Салхитдинов номига берилган О'Р-А № 395907 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерана папка с документами на имя Юсупова Алишера Шафкатовича, диплом ВСБ 0356310, выданный 28 мая 2003 года Московским Государственным социальным университетом по специальности "Юриспруденция" 10 ноября 2006 г. и Сертификат № 003908, о том что данный диплом, считается действительным на территории республики Узбекистан и приравняется к диплому о высшем образовании прошу вернуть за вознаграждение. Т.: 763-85-08.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный аттестат (шахадатнома) О'Р-Ш № 0535370, выданный на имя Моминой Азизы Кимилджоновны 24 июня 2006 года средней школой № 70 Юсубабадского района г. Ташкента.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный план квартиры, выданный на имя Галаятдиновой Назары, находящейся по адресу: г. Ташкент, С. Рахмоновский район, м-в Каракамыш 1/2, д. 10, кв. 61.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный план квартиры, выданный на имя Галаятдиновой Назары, находящейся по адресу: г. Ташкент, С. Рахмоновский район, м-в Каракамыш 1/2, д. 10, кв. 61.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный план квартиры, выданный на имя Галаятдиновой Назары, находящейся по адресу: г. Ташкент, С. Рахмоновский район, м-в Каракамыш 1/2, д. 10, кв. 61.

Рассом ханааси



Изоҳга ҳолат йўқ!

Хусан СОДИҚОВ чизган расм.

ЧП "EKONET SYSTEM" М. Улугбекского района г. Ташкента (ИНН 300734344) сообщает о своей реорганизации на общество с ограниченной ответственностью "EKONET SYSTEM".

Петензии принимаются по тел.: 906-36-37.

СП "STROYAVTOTEXSERVIS" (ИНН 206839829, ОКОНХ 14931, ОКПО 21479751)

Петензии принимаются по адресу: г. Ташкент, С. Рахмоновский район, ул. Уста Ширин, д. 136.

Утеранный аттестат О'Р-СН № 0922975, выданный в 2008 году школой № 219 Сабир Рахмоновского района г. Ташкента на имя Соилова Акбаржона Мухаммаджаримовича.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Уртрачирқик туман ҳокимлиги қошидаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2004 йил 12 мартда 108-сонли ҳамда 2008 йил 26 ноябрдаги 1436-сонли "Тайёрлов-савдо" масъулияти чекланган жамиятини рўйхатдан ўтказиш ўғрисидagi қаракатлари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан Махсумов Отабек Шовкатович номига берилган кадастр рақами 1578669621 бўлган ер кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур тумани, пр. Маориф, 10-уйда истиқомат қилувчи Ҳашимов Раҳим номига берилган уй плани йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани, М. Миркаримов кўчаси, 18-уйга тегишли уй плани йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани, К. Гафуров кўчаси, 4 пр. 4-уйга тегишли Холтаев Асат номига берилган уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный кадастр на здание за № 11-102/2003, расположенное по адресу: г. Ташкент, Мир-абадский р-н, ул. Кушкуприк, д. 24, выданный на имя Табаровской Елены Юрьевны, Сайсултанова Махсута Нуриятовича, Зариповой Лолы Асатов-

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный кадастр на здание за № 11-102/2003, расположенное по адресу: г. Ташкент, Мир-абадский р-н, ул. Кушкуприк, д. 24, выданный на имя Табаровской Елены Юрьевны, Сайсултанова Махсута Нуриятовича, Зариповой Лолы Асатов-

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.